



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 3 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (14.036)

Баҳоси эркин нарҳда

КЕЛАСИ ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислоҳотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш – энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шарти экани таъкидланди.

Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Иқтисодийни либераллаштириш, тенг рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, энергия тежамкорлигини ошириш каби муҳим йўналишлар бўйича Ўнлаб Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бизнес субъектларига зарур шароитлар яратилди.

Лекин ислоҳотлар реал ҳаётда ўз аксини етарли даражада топмапти. Йиғилишда турли соҳаларда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли раҳбарларнинг фаолияти кескин танқид остига олинди.

Масалан, энергетика тизимидаги йўқотишларни кескин камайтириш, сотилган электр қувватининг ҳисобини тўри юритиш ва дебитор қарздорликни қисқартириш ишлари етарли даражада олиб борилмапти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, табиий газни қазиб олиш, транспортровка қилиш ва тақсимлашда ҳаққоний ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас. Айниқса, газ ва электр энергияси таъминотидаги узиллишлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сўнги 3 йилда кадастр соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ҳам қабул қилинган 10 га яқин қарор ҳалигача тўлиқ ишлаб кетгани йўқ. Масалан, ер ахратишининг онлайн аукцион тизими ханузгача жорий этилмаган, кадастр маълумотларини рақамлаштириш ишлари якунланмаган. Ҳозирга қадар ерга бўлган ҳуқуқнинг янги шакли ва уни беришнинг очик-ошкора механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Қурилиш соҳасида бугунги кунга қадар эски стандарт ва меъёрлар сақланиб қолмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Янги инновацион ечимлар ва лойиҳалар устида ишловчи мутахассислар тайёрлашга умуман эътибор берилмапти.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилишга рухсатнома бериш ва келишиш жараёнлари

қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Мутасадди ташкилотларда ўзаро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда транспорт соҳасидаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, қишлоқчилик тарифлари юқорилиги боис маҳсулотлар таннархи баландлигига қўлпти. Аҳолига қулай ва арзон транспорт хизматлари кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Халқаро таълим стандартларини жорий этишга етарли эътибор қаратилмаётгани ҳам қайд этилди. Президент таъкидлаганидек, профессор-ўқитувчилар талақасини баҳолаш мезонлари замон талабларига мос келмапти.

Бундай нуқсонларни банк-молия, солиқ, рақамли иқтисодиёт, коррупцияга қарши кураш каби бошқа соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон банкининг хулосасига кўра, иқтисодиётимизда давлат улуши ханузгача юқорилигига қўлмоқда ва бугунги кунда 50–55 фоизни ташкил этади.

Шу муносабат билан сўнги уч йилда қабул қилинган қарорлар ижросини танқидий баҳолаш орқали “оқсаётган” 13 та муҳим йўналишда тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқишга масъул ишчи гуруҳлар тўзилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ишчи гуруҳлар томонидан жорий йил 20 декабрча амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

Аввало, қайд этилган ҳар бир тармоқ бўйича сўнги уч йилда қабул қилинган ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларнинг ҳаётга жорий этилиш ҳолатини танқидий ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Чунки айрим қарорларда ўрнатилган тартиблар амалда қўлланилмапти. Масалан, Жаҳон банки экспертларининг фикрича, Ўзбекистонда тadbиркорлик соҳасидаги 97 ислоҳотдан атиги 24 таси тўлиқ жорий қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев қарорларни белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳар бир соҳа, йўналиш ва ҳудуд кесимида ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Мутасаддиларга 2020 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларнинг масъул ижрочилари, аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳужжатларда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қилинадиган ишлар ҳамда келаси йили эришилаётган марралар ўз аксини топади.

Ислоҳотларни жадаллаштириш ва “йўл хариталари” ижросини сифатли таъминлаш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича “лойиҳа офислари” ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тузилмаларнинг асосий вазифаси муайян чора-тадбир бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тағбиқ этишдан иборат бўлади.

Белгиланаётган ишлар ижросини сифатли ташкил этишга кенг жамоатчилик, тadbиркорлар, халқаро молия институтлари мутахассислари, ҳорижий экспертларни жалб қилиш мақсадида мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳисоб-китоб таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошликни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади.

Тармоқлар раҳбарлари асосий эътиборни инвестициялар самардорлигига қаратиши лозимлиги қайд этилди.

Ислоҳотлар ижроси сўзсиз таъминланиши учун шундай назорат тизими белгиландики, унга мувофиқ, Ўзбекистон Бош вазири ҳар икки ҳафтада ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ишлаб чиқилган тақлифларни муҳокама қилиб боради. Масъул соҳа раҳбари ҳар ой аниқ бир ҳудуд мисолида бажарилган ишлар ва уларнинг натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида тақдимот ўтказиши мақсадида индикаторларни таъминламаган раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги кўриб чиқилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва уларга бириктирилган масъулларнинг ахбороти тингланди.

ЎЗА

САЙЛОВ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси номидан “Нега сайловчи “Миллий тикланиш” партияси номзодлари учун овоз бериши керак?” сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” УНИТАР КОРХОНАСИНИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонаси фаолиятида замонавий умум-эътироф этилган корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг унитар корхона шаклидаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”-ни (кейинги ўринларда – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки) акциядорлик жамияти шаклида (кейин-

ги ўринларда – “Миллий банк” АЖ) қайта ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси давлат номидан “Миллий банк” АЖ-нинг таъсисчиси ҳисобланади;

янги ташкил этилаётган “Миллий банк” АЖ устав капитали кейинчалик қонунда белгиланган тартибда оширилган ҳолда 1-иловага мувофиқ ҳажмида ва улушларда шакллантирилади;

“Миллий банк” АЖ қайта ташкил этилаётган ўзбекистонлик банкнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш борасида етарли даражада қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳанинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилди.

Шу билан бирга, матбуот, оммавий ахборот воситалари, ахборот тарқатиш, аҳолини ҳолис ва тезкор ахборот билан таъминлаш, мамлакатимизда содир бўлаётган аниқликларни чет давлатларга, чет давлатлардаги воқеа-ҳодисаларни мамлакатимиз аҳолисига тезкорлик билан етказиш бўйича амалдаги тизим бугунги кун талабларига жавоб бермапти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асл мазмуну ва моҳияти ҳақида ҳолис хабарларни аҳолининг барча қатламларига ҳамда дунё ҳамжамиятига тезкорлик билан ва сифатли етказиш, миллий ахборот маконини ривожлантириш, глобал ахборот майдонда ўзбекистоннинг ўрнини янада мустақамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий

ахборот агентлиги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (кейинги ўринларда – ЎЗА) республика ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий ахборотларни тарқатувчи расмий ахборот агентлиги эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЎЗАнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйилган белгилансин:

– юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид расмий маълумотларни излаш, олиш, қайта ишлаш ҳамда ахборот, ахборот-таҳлилий, таҳлилий-танқидий материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги харажатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида айрим соҳалар бўйича харажатлар кўпайди, шу муносабат билан қўшимча маблағлар йўналтирилди. Бу йўналишлардаги харажатлар 10 фоиздан ортиқча ошиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини соқлаб туриш учун харажатлар 12,3 фоизга камайиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда Сенат кўриб чиқиши учун киритилган тақдимнома масисга мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича 2019 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларини 11676,3 миллиард сўмга ошириш ва 95,2 миллиард сўмга камайтириш сўралган. Масала парламент аъзолари томонидан маъқулланди. Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида, Сурхондарё вилояти таркибиде Бандихон туманини ташкил этиш ҳамда Қизирик, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сўнгра сенаторлар Давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва Тошкент вилоятидаги чегара божхона постлари фаолиятини ўрганиш натижаси юзасидан Ўзбекистон Республика-

си Вазирилари Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Давлат божхона хизмати органларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганишда қатор муаммолар масалалар аниқланганили, шу туфайли мазкур парламент сўровини юбориш зарурати юзага келганлиги таъкидланди. Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги, шунингдек, аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш жараёнидаги муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасига парламент сўровлари юборилишини маъқулладилар.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда парламент юқори палатасининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида 19 масала, шу жумладан, 10 қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустақамлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида республикада иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш ҳамда аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Амалий чора-тадбирлар доирасида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ҳолати комплекс ўрганилди ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар синовдан ўтказилди.

Шу билан бирга, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи иссиқлик таъминоти тизимини комплекс модернизация қилиш ва энергия тежовчи замонавий технологиялар асосида унинг техник даражасини ошириш зарурлигини таъкидламоқда.

Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, аҳолини иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув

билан таъминлаш сифати ва даражасини яхшилаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2912-сон қарорига мувофиқ истеъмолчиларга иссиқлик энергияси узлуksиз етказиб берилишини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни, шунингдек, ушбу соҳадаги бошқарувнинг самарали бозор механизмларини жорий этишга қаратилган 2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда;

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш, шунингдек, уларга кўрсатиладиган уй-жой коммунал хизматлар даражасини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар: Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича битим тузилганлиги;

истеъмолчининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этган ҳолда Тошкент шаҳри бўйича Коммунал хизматларни бошқариш маркази ва коммунал корхоналарнинг биллинг тизимлари билан интеграциялаштирилган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимини яратиш, кейинчалик ушбу тизимни республика бўйича ом-маллаштириш юзасидан чоралар қўрилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги,

Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2020–2022 йиллар учун Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини самарадорлигининг асосий мақсадли индикаторлари (кейинги ўринларда – Мақсадли индикаторлар) 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ; 2019–2021 йилларда Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Қўшимча чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” УНИТАР КОРХОНАСИНИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Куйидагилар “Миллий банк” АЖ фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий кредит линиялари, халқаро капитал бозоридagi ресурслар, хорижий инвесторлар маблагларини жалб қилиш орқали иқтисодийнинг устувор секторларида йирик инвестицион лойиҳаларни фаол равишда кредитлаш;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш учун инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банк хизматларини, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият масалаларида молиявий маслаҳатлар бериш ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш;

биринчи навбатда миллий валютадаги узоқ мuddатли маблагларни сафарбар қилиш ҳисобига банк фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш;

савдо-экспорт молиялаштириш бизнеси маҳсулотларини ривожлантириш ва унинг географиясини кенгайтириш, шунингдек, республиканинг

экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, экспорт қилувчиларга консалтинг хизматларини тақдим этиш;

корпоратив мижозларга инвестицион банкинг, жумладан, ички ва ташқи бозорларда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш хизматларини кўрсатиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири:

“Миллий банк” АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда қайта ташкил этиладиган Ўзмиллийбанкнинг қарздор ва кредитдорлари мажбуриятлари бўйича берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин;

Кузатув кенгашининг асосий вазибалари ва функцияларини белгиланган ҳолда унинг таркибини “Миллий банк” АЖнинг акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзмиллийбанк икки ой мuddатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда, жумладан, куйидагиларни:

Ўзмиллийбанкни қайта ташкил этишга тайёрлаш бўйича комиссияни тузиш;

тегишли топшириш далолатномасини тайёрлаб, Ўзмиллийбанк активлари ва мажбуриятларини уларга нисбатан баҳолаш амалга оширилмаган ҳолда хатловдан ўтказишни назарда tutувчи чора-тадбирлар амалга оширилишини;

б) мол-мулкнинг мавжуд ҳужжат-

лари, лицензия ва рухсатномаларини қайта расмийлаштиришни;

в) МЧЖ “NBU INVEST GROUP” инвестиция компаниясини негизда молиявий бозорларда, жумладан, банкнинг даромади чегарасида хўжалик субъектлари устав фондида (100 фоизгача) иштирок этиш орқали инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирокини кенгайтиришни назарда тутган ҳолда “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамиятини ташкил этишни;

г) куйидагиларни:

“Миллий банк” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва Устави;

халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020–2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқиши ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Миллий банк” АЖ Уставининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзмиллийбанкнинг:

а) Ўзмиллийбанкнинг хўжалик жамиятлари устав фондидаги акциялар ва улушлар шаклидаги айрим асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларини 2-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат актив-

ларини бошқариш агентлигига бериш;

б) Ўзмиллийбанк ва “NBU INVEST GROUP” АЖнинг хўжалик жамиятлари устав фондидаги акциялар ва улушлар шаклидаги бошқа асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларини:

баҳолаш нархини 10 фоизга босқичма-босқич камайтириш механизминини қўллаб, бироқ улар бозор нархининг 50 фоиздан пасайтирмаган ҳолда ҳамда икки ой давомида ўтказилган савдолар натижасида инвесторлар томонидан қизиқиш бўлмаган тақдирда, уларнинг номинал қийматидан пасайтирмаган ҳолда;

сотиб олиш тўловларини бирдан ёки бўлиб-бўлиб (акциялардан ташқари) 7 йилгача сотиб олиш суммасининг қолдиги учун фоиз ҳисобламасдан, шунингдек, сотиб олиш суммаси тўлиқ тўланмагунга қадар объектни тасарруфдан чиқариш ва учинчи шахсларга (тижорат банки – сотувчи бундан мустасно) гаровга (ипотека) бериш ҳуқуқисиз амалга ошириш орқали сотиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

8. Ўзмиллийбанк Кенгаши илгари захиралари яратилган ҳамда сўндириш манбалари мавжуд бўлмаган балансдан

ташқари активларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги йиғимлар ундирилмасдан “Миллий банк” АЖнинг акциялари белгиланган тартибда чиқарилиши ва бирламчи чиқарилган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “2017–2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–2853-сон қарорининг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатлари ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Фуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

республиканинг ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар ва янгиланишларни тезкор ёритиш;

жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотаётган воқеаларнинг моҳияти бўйича фуқароларда ҳолис фикрни шакллантириш ҳамда маълумотлардан бузғунчи ва бошқа гайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун аҳолини бундай хадисалар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб бориш;

ахборот хуружлари ва мафқуравий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда давлат органлари ва уларнинг ахборот хизматлари билан узвий ҳамкорлик қилиш ва улардан тизимли равишда статистик, таҳлилий ва бошқа турдаги маълумотларни олиш;

бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши учун юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий ва маданий ривожланишига оид маълумотлар (ахборот, фото ва видео материаллар) базасини шакллантириш;

ўқувчилар учун қулай ва қизиқarli шаклда Ўзбекистон халқининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, мамлакатнинг кўп йиллик тарихи ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

юртимизда юз бераётган ўзгаришларни дунёга кенг тарқатиш, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мамлакатимиз аҳолисига тезкор ахборот етказиб бериш, хориждаги ахборот агентликлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари, медиа-тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ЎЗА ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар бўйича фуқароларда ҳолис фикрни шакллантириш, уларга ахборот-таҳлилий, шу жумладан, аудио ва видео ахборотлар етказиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ЎЗА таркибига Медиа марказ ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Куйидагилар Медиа марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

ахборот-таҳлилий ва мультимедиа материаллар, эшиттириш ва кўрсатувлар, воқеа жойидан онлайн репортажлар тайёрлаш, аудио ва видео материалларни қайта ишлаш, уларни ЎЗАнинг веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида белгиланган тартибда етказиб бериш;

ахборотни қайта ишлаш ва тарқатишнинг замонавий усулларида, жумладан, инфографика, моушн-графика, ижтимоий ролик, 360 форматдаги видео ва бошқалардан кенг фойдаланиш;

давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. ЎЗА ҳузурида унинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш бўйича Маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда – Маслаҳат кенгаши) тузилсин.

Куйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

ЎЗА фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик фикрини таҳлил қилган ҳолда унинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда агентликнинг ахборот мақомидаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ЎЗА фаолиятининг ривожланиш даражасини ўрғаниш, агентликка методик тавсиялар бериш, унинг ишида юзга келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаш, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро ва хорижий ахборот агентликлари, хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик дастурларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига кўмаклашиш ва улар ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши ЎЗ фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритуви коллегиал орган ҳисобланади;

Маслаҳат кенгашига ЎЗА бош директори раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил экспертлардан шакллантирилади;

Маслаҳат кенгаши таркибининг учдан бир қисми ҳар 2 йилда янгиланиб борилади.

ЎЗА бош директори (А.Кўчимов) икки ҳафта мuddатда Маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқласин.

6. Куйидагилар:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ходимларининг умумий чекланган сони 155 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 13 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон ахборот агентлиги (кейинги ўринларда – Қорақалпоғистон ахборот агентлиги) ходимларининг умумий чекланган сони 13 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 2 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

ЎЗА томонидан 2022 йил 31 декабрга қадар четдан олиб келинганда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) озод этиладиган техника воситалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

ЎЗА бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

ЎЗА бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари эса те-

гишлича вазирынинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра ЎЗА бош директори ўринбосарига тенглаштирилади.

8. Куйидагилар ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблаглари;

ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлигининг бюджетдан ташқари маблаглари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. ЎЗА бош директори:

а) ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги тузилмаси штатлар сонига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

б) ЎЗАнинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан:

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

ижодий танловлар ўтказиш, танлов иштирокчи ва ғолибларини муқофотлаш, шунингдек, ЎЗАнинг ходими бўлмаган фаол муаллифларни рағбатлантириш;

ЎЗА моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан, уларга устаманлар тўлаш;

зарур ҳолларда, минтақавий муҳбирлик пунктларида қўшимча штат белгиларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

10. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой мuddатда ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлари ва штатлар жадавалини тасдиқласин;

2020 йил 1 майга қадар мuddатда фойдаланувчилар учун қулай, аудио ва видео ахборотларни тарқатиш, тарқатилаётган ахборотларни тижорат йўли билан юклаб олиш имкониятлари мавжуд бўлган ЎЗАнинг ахборот порталини ишга туширсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ЎЗА билан биргаликда икки ой мuddатда тегишлича:

Қорақалпоғистон ахборот агентлигини жойлаштириш учун бино ажратиш ва уни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг қўшимча манбалари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ЎЗАнинг вилоятлардаги минтақавий муҳбирлик пунктларини ташкил этиш учун вилоятлар марказларидан зарур шарт-шароитларга эга бинолардан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жой ажратиш, уларни белгиланган тартибда таъмирлаш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

12. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазириликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан, уларнинг электрон шаклида мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрғаниш маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умумиллий ҳаракатига мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнининг бориши ҳақидаги тадқиқот материалларини эълон қилиб бориш учун ЎЗАга доимий равишда тақдим қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЎЗАга жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари ва халқаро ахборот агентликлари уюшмалари билан ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. ЎЗА Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда илгор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ЎЗАнинг ижодий ва техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2019 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарор мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир ой мuddатда ЎЗА тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин.

18. ЎЗА манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Ф.Ш.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 декабрь



Бугунги туб ислохотлар даврида сиёсий партиялар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилаётгани бежиз эмас. Бу, шубҳасиз, барча соҳа ва тизимлардаги янгиланиш ва ўзгаришлар зарурати ҳамда олдимизда турган сиёсий имтиҳон билан боғлиқдир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бўлажак сайловга жиддий тайёргарлик кўрди. Биринчидан, партиянинг сайловолди дастури сайловчиларимизнинг талаб ва истаклари асосида ишлаб чиқилди. Сайловлар оралигида йўл кўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди. Асосий эътибор янги парламент олдида турган долзарб муаммо ва масалалар ечимига қаратилди. Уларни ҳал этиш учун эса 30 га яқин янги қонун лойиҳалари тайёрланяпти, амалдаги қонунлар, Фармон, қарор ва давлат дастурлари ижросини қатъий назорат қилиш механизмлари қайта кўриб чиқилляпти. Олдинги сайловлардан фарқли равишда бу гал ҳар бир ҳудуд бўйича ҳам дастурлар тайёрладик. Уларда, асосан, амалдаги депутатларимизнинг таклиф ва хулосаларини инобатга олдик. Партияимизнинг асосий мақсади, бир неча бор эълон қилганимиздек, юртдошларимизнинг реал ҳаётга бўлган қарашини ўзгартиришга эришишидир. Бунда, энг аввало, узлуксиз тарбия тизимини яратиш, жиддий ислохотга муҳтож бўлиб қолаётган таълим тизимида фарзандларимиз учун билимли, фидойи, ўз касбини том маънода қадрлайдиган, энг муҳими, меҳнати муносиб равишда рағбатлантирилган педагоглар ишлаши учун шароит яратиш, она тилимиз софлигини сўзда эмас, амалда таъминлаш учун "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилиб, унинг ижросини қатъий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Парламентни чин маънодаги "халқ уйи"га айлантириш учун курашамиз

Мана, уч йилдирки, давлатимиз раҳбари номига келаётган шикоят ва аризалар тинмаяпти. Яқиндан бошлаб бундай муносабатлар Бош вазир қабулхоналарига ҳам йўллана бошлади. Партияимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда парламент ўрнини кучайтириш, фуқароларнинг депутатларга бўлган ишончини қозониш муҳим, деб ҳисоблайди ва парламентни чин маънодаги "халқ уйи"га айлантириш учун курашамиз.

Биз, шунингдек, хориждаги ватандошларимиз учун номмагина қайғуриш одатидан батамом воз кечилиши, Ўзбекистон фарзанди қаерда ўқиши, ишлашидан қатъи назар, унинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса қисқа вақт ичида тегишли қонун лойиҳасини парламент куйи палатасига киритмоқчимиз.

Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу қатламни амалда қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ амнистияси эълон қилиниши зарур, деб биламиз. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги янгиланишларга ишониб, очик, шаффоф фаолият олиб бораётган юзлаб тадбиркорларимиз яқин ўтмишидаги хатолари туфайли миллиард-миллиард жарималар тўлашапти. Бу масала айнан тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган партияларни ўйлантирмаяпти негадир. Биз тиббиёт тизимидаги ислохотларга тўғаноқ бўлаётган асосий муаммони ҳам ижобий ҳал қилиш йўлини таклиф этяпмиз. Бу беморларнинг ўз вақтида даволанишларига, шифокорларнинг эса меҳнатига муносиб ҳақ олишларига имконият яратадиган йўл — тиббий суғурта тизимини яратишдир.

Шу ўринда узоқ йиллар оила институтига юзаси эътибор қаратилгани оғир оқибатларга олиб келгани ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, ёш оилалардаги ажралишлар сони йилдан йилга ортиб бораётгани ниҳоятда ачирнарли ҳолдир. Бунинг олдини олиш учун эса аёллар иш вақтини камайтириш ва ойлик маошларини ошириш ташаббусини илгари сурапмиз.

Режаларимиз қоғозда қолиб кетаётгани йўқ

Маълумки, партияимиз 2014 йилги сайловда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий-ижтимоий, ахборот таъминоти ва ташқи сиёсат соҳаларида бир қатор вазифаларни амалга оширишни ўз зиммасига олган эди.

Улар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди, албатта. Жумладан, партия сайловолди платформасида белгиланган "мав-

жуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осориатикалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш" юзасидан маданий мерос объектларини реал ҳолати ўрганилди.

Уларни сақлаш, ҳимоя ва инвентаризация қилиш, мулк ва эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжатлари тайёрланди ва рўйхатдан ўтказиш каби масалаларни ҳал қилиш бўйича ўрганиш натижалари тегишли идораларга тақдим этилди.

Шу ўринда Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида жами 7 577 та моддий маданий мерос объекти ўрганилгани таъкидлаш жоиз. Ўрганиш жараёнида 827 та объект буткул йўқ бўлиб кетгани, 6 750 объект сақланиб қолингани аниқланди. 310 та янги моддий маданий мерос объекти эса давлат рўйхатига киритиш учун тасвир этилди.

болалар учун, Бахт шаҳрида 14 ёшдан 18 ёшгача ўғил болалар учун, Чиноз ҳамда Қўқон шаҳарларидаги қиз болалар учун ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасалари)да вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳолатини атрофлича ўргандик.

Ушбу тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли "Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, махсус саволнома асосида ташкил этилди. Бундан ташқари, коллеж тарбияланувчилари ижтимоий кайфиятини тадқиқ этиш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказилиб, натижалар Президент Администрациясига юборилди.

Шундан кейин жорий йилнинг 29 май кунини Президентимизнинг "Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори имзоланди.

"Ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксали-

Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартирамиз

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббускорлик ҳуқуқи асосида 8 та қонун лойиҳасини киритган бўлса, унинг 7 тасида партияимиз фракцияси аъзолари иштирок этди. 2016 йилда 11 қонун лойиҳасидан 8 тасида, 2017 йилда 27 та қонун лойиҳасидан 20 тасида, 2018 йилда 23 та қонун лойиҳасидан 19 тасида, 2019 йилда 17 та қонун лойиҳасидан 10 тасида фракцияимиз аъзолари фаол қатнашди.

Ҳисобот даврида бевосита партия фракцияси ташаббуси билан ҳам бир қанча парламент назорати доирасида тадбирлар амалга оширилди.

Фракция ташаббуси билан қўмиталарда 2015 йилда 2 та, 2016 йилда 3 та, 2017 йилда 1, 2018 йилда 2 та, 2019 йилда 1 парламент ва фракция эшитувлари ташкил этилди.

Фракция томонидан парламент сўровлари ҳам юборилди. 2017 йил 30 ноябрда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига "Туризм тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан парламент сўрови юборилди. Унга келган жавоб юзасидан 29 декабрда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қарор қабул қилинди.

2019 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимовга "Баркамол авлод" болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" парламент сўрови юборилди ва унинг жавоби юзасидан Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида қарор қабул қилинди.

Аммо шуни тан олишимиз керакки, бугунги сайловчини бундай рақамлар, ҳисоботлар қизиқтираётгани йўқ. Бундан буён янги парламентда биз учун гўё эртага сайлов бўладигандек фаолият юришимизни шиддаткор давримиз, сайловчиларимиз талаб қилапти.

Очиқ айтишимиз керакки, қачон биз сайловчи манфаатидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқат олдида долзарб масалаларни кўйдик? Қачон вазирлар, давлат қўмиталари раҳбарларини сайловчи талабидан келиб чиққан ҳолда, уйғоқликка қақирдик?

Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, манфаатлар тўқнашуви натижасида содир бўлаётган қарама-қаршиликлар, маънавий-маърифий дунё саҳнасида кузатилаётган тўлқинлар сайловчи ишончи оддий ишонч эмаслигини англайиб турибди. Меҳнат мигрантлари масаласи, аёллар, ёшлар борасидаги муаммолар эса инсонни ўзгартирмай туриб, жамиятни ўзгартириб бўлмайди, деган ғоя бежиз илгари сурилмаётганини кўрсатяпти.

Азиз юртдошлар!

Шу Ватан, фидойи ва меҳнаткаш халқимиз фаровонлиги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак оз.

Юрт тинчлигига ҳисса қўшиш, фаровонликни таъминлашда жон фидо қилиш, Ватанимиз тараққиётини барқарорлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, бу "Миллий тикланиш" партиясининг асосий вазифасидир.

Шунинг учун ҳам партияимиз бу галги сайловга "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!", "Бирмиз! Қўлни қўлга берамиз!" шiorлари билан кириб келди. Келинг азизлар, муқаддас Ватанимиз равнақи йўлида чиндан ҳам қўлни қўлга берайлик!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларига овоз беринг!

Алишер ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси

НЕГА САЙЛОВЧИ "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШИ КЕРАК?



Ўрганишлар натижасида 2018 йилнинг 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида маданий вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳақида"ги ахбороти эшитилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

2018 йил 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга эса жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бизнинг ташаббусимиз билан...

Мамлакатимизда алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар (Самарқанд шаҳрида 11 ёшдан 14 ёшгача ўғил

шига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказлари) ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш" вазифасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги мавжуд 210 та "Баркамол авлод" болалар бадий ижодиёт маркази (ҳозирги "Баркамол авлод" болалар мактаби) фаолияти чуқур таҳлил қилинди.

Аниқланган камчиликлар, таҳлиллар ва партия таклифлари Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Шундан кейин 2019 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўтган беш йилликдаги фаолиятимиз билан мақтана оламизми?

Афсуски, бир қатор лойиҳаларимиз, хусусан, гиламчилик музейини ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ҳамда "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари фаолиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган ўрганишларимиз ўз натижасини бермади.

Кўриб турганингиздек, ўтган беш йилликдаги фаолиятимиз билан мақтана олмаймиз. Партияимиз позициясини белгиладиган, асосий йўналишларимиз сирасига қирадиган маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар ижроси борасидаги ишларимиз ҳам, афсуски, қўйилган даражада эмас. Масалан, ёшларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадр-ятларни эъзозлаш руҳида тарбиялай олдикми?

Давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқдикми?

Туризм соҳасида ҳам бевосита давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати, ташаббуси асосида амалга оширилган ишларни қайд этиб келяпмиз, холос.

- ✓ "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан янги парламент олдида турган долзарб муаммо ва масалалар ечимига қаратилган 30 га яқин янги қонун лойиҳалари тайёрланяпти, амалдаги қонунлар, Фармон, қарор ва давлат дастурлари ижросини қатъий назорат қилиш механизмлари қайта кўриб чиқилляпти.
- ✓ 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббускорлик ҳуқуқи асосида 8 та қонун лойиҳасини киритган бўлса, унинг 7 тасида "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари иштирок этди. 2016 йилда 11 қонун лойиҳасидан 8 тасида, 2017 йилда 27 та қонун лойиҳасидан 20 тасида, 2018 йилда 23 та қонун лойиҳасидан 19 тасида, 2019 йилда 17 та қонун лойиҳасидан 10 тасида фракция аъзолари фаол қатнашган.
- ✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" ДП фракцияси томонидан парламент сўровлари ҳам юборилган. Жумладан, 2017 йил 30 ноябрда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига "Туризм тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан юборилган парламент сўровига келган жавоб юзасидан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида тегишли қарор қабул қилинди.
- ✓ 2019 йил 1 майда Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимовга "Баркамол авлод" болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" парламент сўрови юборилди ва унинг жавоби юзасидан Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида тегишли қарор қабул қилинди.

